



**HUDUDGAZTA'MINOTI**  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Г-иі  
а

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

**№ 50 - 47961**

*Салмакбеков 20.22.2022  
Марыс*

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб берини ва кабул килини  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "31" январ т-и<sup>йи</sup> № 10-47961-сон

Самарқанд ш.

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи

Сам ВЧИ

(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Х.Б. Юнусов

бир

томондан ҳамда Низом ва 20\_\_ йил " " да берилган \_\_ сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи "

Худудораз Самарқанд шағар ташвиши фили."

(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари В.Эшмуратов иккинчи томондан, куйидагилар тўгрисида мазкур шартномани туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни кабул килиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мэърларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши таҳмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 253 000 куб.м, нархи 864 40 000 минг сўмни ташкил қиласди, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак 253 000 мингкуб.м, январ 100 000 февраль 100 000 март 53 000

II чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.

III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.

IV чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишилаши издан чиккан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истъемолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйидагини ташкил қиласди:

I чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, январь \_\_\_\_\_, февраль \_\_\_\_\_, март \_\_\_\_\_.  
II чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.  
III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.  
IV чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

1.5. Агар, Истъемолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилиган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истъемолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилиган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истъемолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилиган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истъемолчи Етказиб берувчиндан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истъемолчининг суткалик месъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истъемолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганилиги тўғрисида барча усууллар оркали Истъемолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истъемолчи манзили ва телефон рақами:

*11-Чуевбек 80 94-628-95-59*

2.4. Етказиб берувчи Истъемолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига кадар камида 24 сабт аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истъемолчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилиди.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг техноложик иш режими магистрални бузилганда, шунингдек, куз-қиши мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истъемолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки

тұхтатиб күйиш хукуқига эга, Истемолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга үтади.

2.6. Истемолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш донрасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашиши таъминлаш учун жавобгарликин ўз зиммасига олади.

2.7. Истемолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишини күзда тутиши ва уни етарли микдорда (З ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истемолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофик захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишини тұхтатиши лозим. Газ етказиб берининнің тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истемолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиши ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истемолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истемолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофик амалга оширилади.

2.10. Истемолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар судли билан бир-бирини бу ҳақида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истемол килиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истемолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлинини чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлинини чегараси (Истемолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши ҳисобланаб) Етказиб берувчи ва Истемолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлинини нуткаси ҳисобланали ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олиниди: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига есосан). Газ хажми газининг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий хужжатлари талабларига мувофик газ микдорини стандарт шароитта автоматик равинида көлтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси таилови тегиши қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истемолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматаштирилган тизим (ПТҲНАТ-АСКУГ) ларига уланини лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DS 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Хисобга қўйиладиган умумий талаблар", О'з DS 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестацияндан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибраш, торайтиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини очиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини очиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларинг бир қисми сифатида (киёслош кўриги/калибраш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини очиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини очиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан кисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хуқуқига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувоффик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабний ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинганд газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истемоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол килиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганигин тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатта олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригиданметрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтта;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсаттан ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда-ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатта;

к) хисобга олиш приборининг хотириасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойдан маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмагандан эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анижомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) – бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг мөъбрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказиши талаб қилиш хукуқида эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

**3.20.** Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аникланган тақдирда Истемолчи 24 соат ичидә Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

**3.21.** Ҳисобга олиши приборларидан газ сизиб чиқши ҳолати аникланган тақдирда кайта ҳисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин датъо муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниклаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**4.1.** Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

**4.2.** Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигигомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланаади.

**4.3.** Истемолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларida кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истемолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўгрисида Етказиб берувчига билдиригина тартибида мурожаат қилишга ҳаклидир. Бундай ҳолатларда истемолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истемол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

**4.4.** Истемолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

**4.5.** Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истемолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истемолчилар бундан мустасно).

**4.6.** Истемолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истемол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

**4.7.** Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истемолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойн тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

**4.8.** Табиий газдан фойдаланишда Истемолчининг айни билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан хежмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан оддиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибида ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун счиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқадор бўлмаган турли ҳил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қиска тутащув ва х.к)даги техник носозликлар аниқланганини сабабли истемол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб усуналарини тўлиқ куввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкия қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истемолчининг қарзин мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истемолчини хабардор қилган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан ошмайдиган микдорда пени тўлади.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини ҳисобга олини приборидан кўрсаткичларни ёзib олиши (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истемол қилиниши ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб киладиган истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматиэр воситаларидан фойдаланган ҳолдакиритиш орқали аниqlаниади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан истемолчига электрон ҳисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчива Истемолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида газни етказиб бериш-кабул қилиши далолатномаси Истемолчидаги кўнидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технология йўқотишларнинг ҳажми тўтрасидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТКдаги технология йўқотишлар Истемолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини кабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслиг ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истемолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қilmайди. Узатилган ёки қабул килинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маъдуда қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истемолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истемол килинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир сутқада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргантакдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истемол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўлантан ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпти билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-банда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истемолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олиниади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истемолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қilmайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истемолчida қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандан;

- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш куримларинин озратдан ўтказишга йўл кўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганилиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлгайда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатғичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишланига тўскенилик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташқи тъсири кўрсатишга харакат килиш;

- Газдан фойдаланиш қондларига зид равища газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ тъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**6.2. Тармоққа қайта уланища амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий хисоблаш миқдорининг ўзи барабари миқдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.**

**6.3. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.**

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:**

- ўзига карашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан тъмирилаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўгрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;
- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив матьумотларни, электрон матьумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сакланишини тъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилганига кадар табиий газ тъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқларн моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқин муҳофаза килиш организарни хабардор килиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конуида назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтищдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чикишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўдиши мумкин.

## 7.2. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришини қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб кўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондлари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоғларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришини тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилгунинг қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришини тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасыни бир томонлама бекор қилиш.

## 7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиши далолатномасини ва ҳисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежкамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникижихатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
  - ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
  - газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;
  - газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазинспекция” ходимларининг (тегиши гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишини ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
  - газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
  - табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсинглик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутушигини таъминлаш;
  - табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
- Газ тармоги бўлинини чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ТГЖНАТ-АСКУГ)тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив хужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;
- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
- газ етказиб беришини вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик хужжатларида белгиланган бошқа хукуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истъемолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

а) Истъемолчи томонидан газ таъминоти тармокларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истъемолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилганҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истъемолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) қиш даврида вақтингча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);

г) шартнома асосида Истъемолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганда, Истъемолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашини рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истъемолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайташини талаб қилиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истъемолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган такдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирок муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига катъий риоя қиласди.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиши учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашиган жойдаги тегишилсудга мурожаат килишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиши ва бир томонлама ўзgartиришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгигб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкини, ёнғин чиқиши, ер қимирилаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатиш ҳукуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажарниш тўғрисидаги қарор кабул қиласидилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равища расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчиликлар хар йили “2022” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараённида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар биро учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p><b>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</b>  <b>«HUDUDGAZ SAMARQAND» газ таъминоти филиали</b></p> <p>Манзил: Самарқанд шаҳар, Буюк Ипак йўли кўч., 15 уй Тел/факс: (66) 239-78-11; Faks: (66) 239-78-12 Банк номи: ХАТБ “ОРИЕНТ ФИНАНС” МФО: 01111  ИИН: 306605769  ОҚЭД: 35230  Х/Р 2021000405113960670</p> <p>Рахбар: <b>ГАЗ ТАЪМИНОТ ФИЛИАЛИ</b> (Ф.И.Ш.) <b>“УЗСАНОАТКУРУЛІШБАНК”</b> Имзоси: <b>ТОШКЕНТ Ш. РАКАТ ФИЛИАЛИ</b> МФО: 00435 ОҚЭД: 35220 ИИН: 306 605 769 Муҳр ўрини <b>Х/Р:2263400905113960396</b></p> <p>Юридик маслаҳатчи хулоаси:</p> 	<p><b>«ИСТЕЙМОЛЧИ»</b></p> <p><b>SAMARQAND VETERINARIYA MEDITSINASI INSTITUT</b>  <b>Самарқанд шаҳри М. Улугбек кучаси 77 уй</b>  <b>Тел/факс: 8 (366) 234-07-86</b>  <b>ш/х: 4009 (0860184017094100250001)</b>  <b>ИИН: 201878451 ОҚӘНХ: 92110</b>  <small>(Бонита маддаси: Физикалык орхига бароиди чоночи)</small>  <b>Молиятказирилгич Газначилик башкармаси Самарқанд</b>  <b>вилояти газначилик бошкармаси</b>  <b>Янги Газна х/в: 29402000300100001010</b>  <b>Марказий банк XKKM Тошкент шаҳри</b>  <b>бошкармаси МФО: 00014 ИИН: 201122919</b></p> <p>ОҚЭД _____</p> <p>Мулокот телефони _____</p> <p>Рез./х _____</p> <p>Банк номи: _____</p> <p>_____</p> <p>МФО _____</p> <p>ИИН _____</p> <p>ш/х _____</p> <p>х/р _____</p> <p>(газначилик булинмаси номи) <b>Х.Б.Юлусев</b>      Рахбар: <b>Х.Б.Юлусев</b>      (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: <b>САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНА ИСТИДОИ</b>      Муҳр ўрини <b>Х/Р: 2263400905113960396</b></p> 
--	--

(Ф.И.Ш.)

(имзо, муҳр)

санга

2021 йил « 31 » ҳекаср даги

20<sup>22</sup> йил «31» декабрь дагы  
Түндө сон шартномага ИЛОВА  
йилдөмнүү мөккүпсөлөрү

## **Фойдаланишга қабул қилингап газда фойдаланиш ускуналарин**

РУЙХАТИ

### **Фаолият тури:**

Кадастровый №

### Табииний газ тарифи 1 м<sup>3</sup>

380

SYM

②

ТУРИЗМ

## Келишилган:

## **Етказиб берувчи**

Рахбар

(Ф.И.И.)

五

Имени САМОГАЗ

Извеси SAMAROAND

МУФ України

Ижрочи хисоб  
(ФИШ)

(Ф.И.Ш.)

Истерьмолчи

К. В. Юусов  
Ф.И.Ш.)

*[Signature]*

Мухрүнни

Every year

— 1 —

Самарканд ветеринария медицинаси институти ва "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ билан  
96140000 умумий суммасида 2022 йил 31-январдаги №Т-III-2, 04790 сонли шартномага

Илова 1

Етказиб бериладиган табий газ микдори ва хисоби

Ойлар чораклар	Микдори куб метр	2022 йил хоолатига тариф нархи	Жами сумма (сумда)
I чорак	253000	380	96140000
Январ	100000	380	38000000
Феврал	100000	380	38000000
Март	53000	380	20140000
II-чорак		380	
Апрел		380	
Май		380	
Июн		380	
III-чорак		380	
Июл		380	
Август		380	
Сентябр		380	
IV-чорак		380	
Октябр		380	
Ноябр		380	
Декабр		380	

Рахбар

*Б.Юнусов*



Х.Б.Юнусов